112-модда

## учинчи бўлим

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

## 112 Тошкент шахрининг эски шахар қисмида мавзелар буйича замонавий куп қаватли уйлар қуриш (1-босқич) турисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2015 йилда Тошкент шахрининг эски шахар қисмида замонавий қулай турар-жой яратиш чора-тадбирлари тўгрисида»ги 2014 йил 20 ноябрдаги ПК−2265-сонли қарорининг ижросини таъминлаш, шунингдек, Тошкент шахрининг бош режасини амалга ошириш, унинг эски шахар қисмида замонавий шахарсозлик талаблари асосида қулай уй-жойлар қуриш ҳамда ҳудуднинг меъморий қиёфасини ва ижтимоий-маданий ҳолатини тубдан яҳшилаш ва аҳоли яшаши учун қулай шартшароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:** 

1. Тошкент шахар хокимлигининг:

шахарнинг эски шахар қисмидаги Нурафшон кучасида 5 та беш қаватли экспериментал уй (кейинги уринларда «объект» деб юритилади) қурилиши «Ипотека банк» АТИБ ва «Узсаноатқурилишбанк» ОАТБ томонидан ажратиладиган кредитлар ҳисобига молиялаштирилиши;

объектни молиялаштириш учун ажратиладиган кредит маблагларига белгиланган тартибда гаров сифатида давлатга тегишли кучмас мулк объектларини қуйиш туррисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. «Ипотека банк» АТИБ ва «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ томонларидан бош пудрат ташкилотлари — «Toshkent uy-joy qurilish» ДУК, «Evrostroy Plus» ва «Dizayn-Taraqqiyot» ХКга объект қурилиши учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ортиқ булмаган микдорда объект қийматининг 90 фоизигача кредит маблағлари ажратиш тавсия этилсин.

Бунда, тақдим этилаётган кредитлар мазкур объектларни барпо этиш муддатига ажратилиб ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан янги қуриладиган турар-жой хонадонларига кучиб кирадиган оилаларни аниқ шаклланган руйхатини, шунингдек барча зарурий ҳужжатларни банкларга киритилгандан сунг, узоқ муддатли ипотека кредитларига қайта расмийлаштириши инобатга олинсин.

3. Бош лойиха ташкилоти — «ТошуйжойЛИТИ» АЖ бир хафта муддатда объект атрофини ободонлаштирилиши ва болалар спорт майдончалари барпо этилиши назарда тутилган холда унинг лойиха-смета хужжатлари тулик



ишлаб чиқилишини якунласин ва давлат экспертизаси хулосаларини олиш учун буюртмачига топширсин.

- 4. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қумитаси ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда давлат экспертизасидан утказсин ҳамда бажарилган лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишларининг сифати, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан давлат архитектура-қурилиш назоратини урнатсин.
  - 5. Тошкент шахар хокимлиги:

ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида объектнинг манзилли руйҳатини уч кун муддатда тасдиқласин;

«Ягона буюртмачи хизмати» ИК томонидан объект қурилишининг техник назорати олиб борилишини, бажарилган ишлар далолатномалари имзоланишини ҳамда қурилиш-монтаж ишларини бажариш жадвалига риоя этилишини назорат қилсин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қумитаси билан биргаликда бир ой муддатда:

гаров сифатида фойдаланиладиган давлат мулки объектларини аниқлашни ва балансда сақловчиларнинг юқори турувчи ташкилотлари билан келишишни ҳамда уларнинг баҳоланишини;

аниқланган кучмас мулк объектларидан «Ипотека банк» АТИБ ва «Узсаноатқурилишбанк» ОАТБнинг объект қурилишини молиялаштириш учун ажратилаётган кредитлари буйича гаров сифатида белгиланган тартибда фойдаланилишини таъминласин.

- 7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзтрансгаз» АК, «Ўзбектелеком» АК ва коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар объектнинг ташқи муҳандислик тармоқлари (электр, газ, телефон, сув, оқова тармоқлари ва бошқалар) буйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишини ва қурилишини ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилишини таъминласинлар.
- 8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзметкомбинат» АЖ ва «Ўзқурилишматериаллари» АК объект қурилиши учун лойиха ташкилоти ва буюртмачилар томонидан такдим этилган асосланган хисоб-китоблар буйича бош пудратчи ташкилотларига цемент, металл прокати ва қурилиш ойнаси материаллари тартибга солинадиган нархларда туридан-тури шартномалар асосида ажратилишини таъминласинлар.
- 9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

## Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2015 йил 5 март, 49-сон

